

Фельдъегерлик хизмати кўрсатишга

ШАРТНОМА № 140

2022 й. « 5 » 01 _____

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Давлат фельдъегерлик хизмати тўғрисидаги Низом асосида иш кўрувчи кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб аталадиган Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Давлат фельдъегерлик хизмати номидан хизмат бошлиғи О.К.Садиков ва кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб аталадиган 2 Президент таъини

интессерн агентлиги

иккинчи томондан ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

1. Шартнома мавзуси

1. «Буюртмачи»нинг жўнатмаларини Ўзбекистон Республикаси вилоят марказларигача ва Тошкент шаҳри бўйича қабул қилиш ва етказиб бериш ҳамда «Бажарувчи»нинг тасдиқланган жадвали бўйича Москва шаҳри (Россия) орқали МДХ мамлакатлари вилоят марказларигача етказиб берилишини таъминлаш шартнома мавзуси ҳисобланади.

1.2. «Буюртмачи»нинг жўнатмаларни дам олиш ва байрам кунларидан ташқари ҳар куни соат 09-00 дан 17-00 гача «Буюртмачи» ёки «Бажарувчи»нинг биносида қабул қилинади. Жўнатмаларни Буюртмачининг биносида қабул қилиш учун Буюртмачи бир кун аввал қуйидаги (71) 245-08-60, (71) 245-08-61 телефон рақами орқали берилган буюртмаси асосида бажарилади.

1.3. «Буюртмачи»нинг биносида жўнатмалар қабул қилинганлиги учун автотранспорт берилганлиги учун тўлов, шунингдек ҳар бир жўнатмадан қўшимча йиғим ундирилади. Кўрсатилган қўшимча хизматлар учун ҳисоб-китоб амалдаги тарифга мувофиқ бажарилади.

2. Етказиб бериш шартлари

2.1. «Бажарувчи» Ўзбекистон Республикасининг вилоят марказларигача жўнатмаларни «Буюртмачи» томонидан кўрсатилган манзил бўйича қўлдан қўлга етказиб беради. Агар жўнатмаларни олувчи вилоят марказидан қуйида жойлашган бўлса, жўнатмалар махсус алоқа тармоғи орқали берилади.

2.2. Жўнатмаларни етказиб бериш «Бажарувчи»нинг автотранспорти орқали (истисно ҳолларда «Буюртмачи»нинг автотранспорти орқали), жўнатмаларни олувчи жойлашган манзилига қараб авиа ва темир йўл транспорти орқали амалга оширилади.

2.3. Зарурат бўлганда «Буюртмачи» «Бажарувчи» билан келишув бўйича жўнатмаларни йўналиш доирасидан ташқари-фельдъегерлар билан (нарочно) юбориши мумкин. Бунда «Буюртмачи» амалдаги харажатларни тарифга мувофиқ тўлайди.

2.4. «Буюртмачи»нинг жўнатмалари бўлмаганда ёки жўнатмалар тайинланган муддатда жўнатишга тайёр бўлмаганда, фельдъегернинг назорат варағига «жўнатмалар йўқ» деган белги қўйилади ва «Буюртмачи»нинг имзоси ва муҳри билан тасдиқланади. Ушбу ҳолатда амалдаги тарифга биноан транспорт харажатлари учун ҳақ тўланади.

2.5. «Бажарувчи» жисмоний шахсларга, ҳамда бозорлар, савдо комплекслар ёки турар жойлар (уйлар) жойлашган манзиллар бўйича йўналтирилган жўнатмаларни қабул қилмайди ва етказиб бермайди.

3. Шартнома суммаси ва уни тўлаш тартиби

3.1. Шартноманинг умумий суммаси 510 000 сўмни ташкил этади.

3.2. «Буюртмачи» «Бажарувчи»нинг ҳисоб-китоб рақамига умумий сумманинг 30 фоизи миқдорида олдиндан ҳақ тўлайди. Умумий сумманинг қолган қисми ҳақиқий кўрсатилган хизматлар учун йил давомида тўланади. ҚҚС ҳисобланмайди.

3.3. Кўрсатилган хизматлар учун ҳақ амалдаги тариф асосида тақдим этилган ҳисоб фактурага асосан жорий ойнинг 10-кунигача тўланади. Кўрсатиладиган хизматларга тасдиқланган тариф шартномага илова қилинади.

4. «Бажарувчи»нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

4.1. «Бажарувчи» жўнатмаларни қабул қилиб олинган пайтдан улар олувчига топширилган пайтгача жўнатмаларнинг сақланишини таъминлаш юзасидан барча зарур чораларни кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.2. «Бажарувчи» «Буюртмачининг» жўнатмаларини, олувчилар жойида бўлган, кўрсатилган манзилдан кўчиб кетмаган, олувчилар бозорлар, савдо комплекслар ёки турар жойларда (уйларда) жойлашмаган ҳолларда, Тошкент шаҳри ва Ўзбекистон Республикаси вилоят марказларигача 72 соат мобайнида етказиб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олади, дам олиш ва байрам кунлари бундан мустасно.

4.3. Тарифлар ўзгарган тақдирда «Бажарувчи» «Буюртмачи»га янги тасдиқланган тарифларни ўз вақтида юбориш ва кўрсатилган хизматлар учун янги тарифларга биноан ҳисоб-китоб қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.4. «Бажарувчи» «Буюртмачи» дан қабул қилаётган жўнатма ностандарт, яъни катта, оғир ёки шубҳали бўлган ҳолларда жўнатмани «Буюртмачи»нинг вакили иштирокида очиб кўриш ҳуқуқига эга.

4.5. «Бажарувчи» заруриятга кўра «Буюртмачи»дан «Бажарувчи» орқали юбориладиган, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ёки тегишли органлар томонидан расмийлаштирилган мазкур жўнатмани олиб чиқишга рухсатнома талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

4.6. «Бажарувчи» етказиб бериладиган жўнатмаларни кўриқлаш тартибини, шунингдек юборилаётган жўнатмаларни турлари ва чекланган нормаларини ишлаб чиқиши ва белгилаши ҳамда ташишларнинг навбатма-навбатлигини белгилаш ҳуқуқига эгадир.

5. «Буюртмачи»нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

5.1. «Буюртмачи» «Бажарувчи» орқали юбориладиган махфий жўнатмаларни Ўзбекистон Республикасининг махфий иш юритиш талабларига мувофиқ расмийлаштиришга мажбурдир.

5.2. «Буюртмачи» махфий бўлмаган пакетдаги жўнатмаларни халқаро почта стандартларига мувофиқ расмийлаштириши шарт (конвертнинг чап юқори бурчагида: жўнатувчининг номи, унинг манзили, шаҳар, республика; конвертнинг ўнг қуйиқисмида: олувчининг номи, унинг манзили, шаҳар, давлат, телефон), манзил кўрсаткичидан олдин «Қаердан» ва «Қаерга» («Кимга») сўзларини ёзиши керак.

5.3. «Буюртмачи» манзилга оид маълумотларни ва пакетлардаги бошқа ёзувларни ёзув машинкасида босма ҳолатда, сиёҳ ёки шарикли ручка билан аниқва тушунарли қилиб (сиёҳ ёки паста қора, кўк ёки бинафша рангда бўлиши керак) ёзиши шарт. Олувчининг манзили қисқартирилмасдан ёзилиши зарур.

5.4. Пакетнинг орқа томонига «Буюртмачи» конверт елимланган чизик бўйича барча қопқоқларда ўзининг мастика муҳри отгискини қўйиши шарт. Пакетли жўнатмалар Ўзбекистон Республикаси бўйича 5кг 11*15 см 15*25 см 25*35 см дан ошмаслиги лозим. Қоғозли юкли жўнатмаларни чекланган оғирлиги 10 кг. Бўлинмайдиган яхлит жўнатмалар 20 кг гача бўлиши керак. Қопли юкли жўнатмаларни чекланган оғирлиги 10 кг. Бўлинмайдиган яхлит жўнатмаларники 20-25 кг гача бўлиши лозим.

5.5. Ушбу шартноманинг 4.4. бандида кўрсатилган ҳолларда «Буюртмачи» «Бажарувчи» талабига кўра жўнатмани мухрлашдан олдин очиб кўрсатиши шарт.

5.6. Юридик манзиллар, банк реквизитлари, телефон рақамлари ўзгарган тақдирда томонлар бир-бирини ёзма равишда хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммаларига олади.

5.7. Агар жўнатмалар «Буюртмачи»нинг биносида қабул қилинса, «Буюртмачи» «Бажарувчи»га жўнатмаларни қабул қилиш учун алоҳида жўнатмалар билан ишлашга мослаштирилган хона билан таъминлаши зарур.

5.8. Агар жўнатмалар «Буюртмачи»нинг биносида қабул қилинса «Буюртмачи» бир сутка олдин «Бажарувчи»га буюртма бериши керак.

5.9. «Буюртмачи» «Бажарувчи» орқали юбориладиган жўнатмаларнинг оғирлигини ўзи тўғрисида кўриш ва реестрларда шахсан қайд этиш ҳуқуқига эгадир.

5.10. «Буюртмачи» «Бажарувчи» томонидан жўнатмалар топширилганлиги тўғрисида маълумотнома сўраш ҳуқуқига эгадир.

6. Томонларнинг жавобгарлиги

6.1. Жўнатмалар ўз вақтида етказиб берилмаган ёки етказилмаган тақдирда «Бажарувчи» «Буюртмачи»га ўз вақтида етказиб берилмаган жўнатмаларнинг ҳар бир кечиктирилган кунини учун 0,5% фоиз, бироқ ўз вақтида етказиб берилмаган ёки етказилмаган жўнатмалар умумий суммасининг 50% фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.2. Юбориладиган жўнатмаларга «Бажарувчи»нинг айби билан зарар етказилган тақдирда «Бажарувчи» қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

6.3. «Бажарувчи» томонидан кўрсатилган хизматларга ҳақ тўланмаганлиги учун «Буюртмачи» «Бажарувчи»га ўзи тўлашдан бош тортган сумманинг 15% фоизи миқдорида жарима тўлайди.

6.4. Хизматларга ўз вақтида ҳақ тўламаганлиги учун «Буюртмачи» «Бажарувчи»га кечиктирилган ҳар бир кун учун муддати ўтказиб юборилган тўловнинг 0,4% фоизи миқдорида, бироқ муддати ўтказиб юборилган тўловнинг 50% фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

7. Тақиқлар

7.1. Қуйидагилар тақиқланади:
мазкур Шартноманинг 5.1, 5.2, 5.3, 5.4-бандларида кўрсатилган талаблар бузилган ҳолда расмийлаштирилган жўнатмаларни жўнатиш.

«Бажарувчи» орқали контрабанда, радиоактив, заҳарловчи, портлаш хавфи бўлган, тез алангаланадиган ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида тақиқланган бошқа моддалар ва буюмларни жўнатиш.

8. Форс-мажор

«Бажарувчи» форс-мажор ҳолатларда жўнатмалар йўқолганлиги, ўғирланганлиги ёки шикастланганлиги учун жавоб бермайди, айнан:

8.1. Сув тошқини, ёнғин, zilзила бўлганда ва бошқа табиий офатларда;

8.2. «Бажарувчи»нинг ходими ҳалок бўлганда ёки фавқулодда вазиятларда;

8.3. Мазкур Шартноманинг 7-бўлимида кўрсатилган моддалар ва буюмлар «Бажарувчи» орқали жўнатилганда ёки контрабанда ва тақиқланган тижорат жўнатмалари ваколатли органлар томонидан ҳибсга олинганда ёки мусодара қилинганда;

8.4. Ноқулай метеорология шароитларида ва ҳаво кемасининг техник носозлигида.

8.5. Форс-мажор ҳолатларда «Бажарувчи» «Буюртмачи»ни ёзма равишда хабардор қилади.

9. Низоларни ҳал этиш

9.1. Мазкур Шартнома бажарилиши билан боғлиқ барча низолар мумкин қадар томонларнинг музокаралар олиб бориши ёхуд даво хати жўнатиш йўли билан ҳал этилиши керак.

9.2. Томонлар келишувга эришмаган тақдирда низоларни ҳал этиш Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ суд тартибида амалга оширилади.

10. Шартноманинг амал қилиш муддати

10.1. Мазкур Шартнома томонлар имзолаб, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 5.01 дан 2022 йил 31.12 гача амал қилади. Тарафлар ўртасида келгуси молиявий йил учун янги таҳрирдаги фельдьегерлик хизмати кўрсатиш ҳақидаги шартнома имзоланиб, ижрога киритилгунга қадар, ушбу шартнома муддати амалда бўлади.

10.2. Мазкур Шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонларнинг ҳар бири томонидан имзоланган бўлса, бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

10.3. Мазкур Шартнома икки нусхада тузилди, уларнинг ҳар иккаласи бир хил юридик кучга эга.

Томонларнинг юридик манзиллари, банк реквизитлари ва телефонлари

«БАЖАРУВЧИ»

Тошкент ш. Шайхонтохур тумани
Қоратош кўчаси, 5уй
Тел.71 245-08-60,71 245-08-61

«БУЮРТМАЧИ»



Хизмат бошлиғи

О.К.Садиков

2022 й. « »



2022 й. « »



Юрист